

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**«Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш»
кафедраси**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Факультет декани, доцент

_____ **Саматов Н.**

«_____» _____ **20__ й.**

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТАМАН»

Кафедра мудири, доцент

_____ **Мирзаев И.Ғ.**

«_____» _____ **20__ й.**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Мавзу: «Пушта шакиллантиришни янги технологияси»

Бажарувчи:

Рахмонов Махмуд

Раҳбар:

т.ф.н., катта ўқитувчи

М.Х.Мамадалиев

АНДИЖОН – 2011 й.

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети
Қ/х техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси
Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналиши
4 босқич **3** гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири, доцент

_____ Мирзаев И.Г.

« 22» декабр 2010 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба

Рахмонов Махмуд

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: Пушта шакллантиришни янги технологияси

«22» декабр 2010 й. даги **№2** Кафедра мажлисида маъқулланган. **«31» декабр 2010 й.** даги **№ 234-СТ** рақамли ректорни буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати 10 июн 2011 йил.

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган пушта олгич машиналарига оид адабиётлар, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, илмий рисола ва ишланмалар, диссертация ҳамда илмий мақолалар.

4. Хисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): 1. Кириш. 2. Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган пушта олгич машиналари ва уларни технологик иш жараёнлари таҳлили. 3. Пушта олиш жараёнига ҳамда агрегатларга қўйилган агротехника талаблари. 4. Пушта шакллантиришда тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили. 5. Пушта шакллантиришнинг янги технологияси ҳамда уни амалга оширувчи агрегат конструкцияси. 5. Таклиф этилаётган пушта шакллантиргич технологияси қўлланилгандаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоби. 6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. 7. Экология бўлими. 8. Умумий хулосалар.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади): 1. Ишнинг мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалар. 2. Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган пушта олгич машиналари таҳлили. 3. Пушта олиш жараёнига ҳамда агрегатларга қўйилган агротехника талаблари. 4, 5. Пушта шакллантириш агрегати ҳамда уни технологик иш жараёни. 6. Пушта олгич дискини диаметрини сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсири таҳлили. 8. Пушта шакллантириш жараёнларини асосий кўрсаткичлар 7. Таклиф этилаётган пушта шакллантиргич технологияси қўлланилгандаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. 8. Умумий хулосалар.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Имзо	Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги.</i>	<i>Катта ўқитувчи Асқаров Қ.</i>		
2.	<i>Фуқаролар ҳимояси</i>	<i>Катта ўқитувчи Асқаров Қ.</i>		

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	<i>Кириш.</i>	<i>05.01.11-10.01.11 й.</i>	
2.	<i>Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган пушта олгич машиналари ва уларни технологик иш жараёнлари таҳлили.</i>	<i>15.01.11-1.02.11 й.</i>	
3.	<i>Пушта олиш жараёнига ҳамда агрегатларга қўйилган агротехника талаблари.</i>	<i>10.02.11-25.02.11 й.</i>	
4.	<i>Пушта шакллантиришнинг янги технологияси ҳамда уни амалга оширувчи агрегат конструкцияси.</i>	<i>01.03.11-30.03.11 й.</i>	
5.	<i>Таклиф этилаётган пушта шакллантиргич технологияси қўлланилгандаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоби.</i>	<i>05.04.11-20.04.11 й.</i>	
6.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги.</i>	<i>25.04.11-30.04.11 й.</i>	
7.	<i>Экология бўлими.</i>	<i>20.05.11-30.05.11 й.</i>	
8.	<i>Умумий ҳулосалар.</i>	<i>08.06.11-10.06.11 й.</i>	
9.	<i>Чизма график қисми.</i>	<i>10.06.2011 й.</i>	

Битирув малакавий иши раҳбари: _____ т.ф.н. М.Х.Мамадалиев
(имзо) (фамилияси, исми, шарифи.)

Топшириқни бажаришга олдим: _____ Рахмонов Махмуд
(имзо) (фамилияси, исми, шарифи.)

Топшириқ берилган вақти: « 23 » декабр 2010 й.

МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ.....	6
1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ПУШТА ОЛГИЧ МАШИНАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	10
1.1. Пахта экиш учун пушта шакллантириш технологияси ва унга қўйилган агротехника талаблари.....	10
1.2. Пушта шакллантиришда қўлланилаётган агрегатлар таҳлили..	12
2. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУПРОҚНИНГ ФИЗИК- МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	18
3. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ- СИ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ АГРЕГАТ КОН- СТРУКЦИЯ СИ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИ.....	23
3.1. Комбинациялашган агрегатнинг ишлаш шароити ҳамда агре- гатнинг пушта олгичига қўйилган агротехника талаблари.....	28
4. ПУШТА ОЛГИЧ ДИСКИНИ ДИАМЕТРИНИ СИФАТ ВА ЭНЕРГЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚ- ЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲ- ЛИЛИ.....	31
5. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБИ.....	34
5.1. Мавжуд технология асосида пушта шакллантириш жараёнларини асосий кўрсаткичлари ҳисоби.....	34
5.2. Пушта шакллантиришда комбинациялашган агрегат ёрда- мида ишлов бериш жараёни.....	43
6. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТЕХНОЛОГИЯ ҚЎЛЛАНИЛГАНДАГИ ИҚТИСОДИЙ САМА- РАДОРЛИК ХИСОБИ.....	47

7.ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	53
7.1.Қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлашда хавфсизлик чора-тадбирлари.....	53
7.2.Хавф-хатар ва фавқулодда вазиятлар.....	56
8.ЭКОЛОГИЯ БЎЛИМИ.....	60
8.1.Дунё иссиқхонаси ва унинг оқибатлари	60
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	69
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	71
ИЛОВЛАР.....	73

КИРИШ

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади.

Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан

шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда қишлоқ хўжалигидаги долзарб мавзу ҳисобланган пушта шакиллантиришни янги технологияси бўйича олиб борилган тажриба таҳлиллари баён этилган.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлларида бири уни пушта ёки жўякда етиштириш технологияси ҳисобланади. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти ва тупроқшунослик илмий тадқиқот институтларида олиб борилган тадқиқотларда кузги хайдовдан сўнг текис олинган пуштага экилган чигитни униб чиқиши ва уни ривожланиши учун қулай шароит яратилиши ҳамда ҳосилдорликни ортиши аниқланган. Пуштада пахта етиштириш технологиясини механизациялаш йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш жараёнида ҳозирги кунда пахтачиликда қўлланилаётган машиналар тизимидаги агрегатлар сифатли пушта ҳосил бўлиши учун талабга тўла жавоб беради деб бўлмайди. Судратма машиналар туркумига кирувчи чизел юмшатгич ўғитлагич (ЧКУ-4) агрегати ёрдамида олтнаётган пушталар агрегатни тракторга нисбатан тебраниши ҳисобига тўғри чизиқли пушта олиншини ҳамда қатор оралари кенглигини бир ҳилда таъминлай олмайди.

Осма машиналар туркумига кирувчи (КРХ-4; КРХ-3,6; КРТ-4) агрегатлар конструктив жиҳатидан талаб даражасидаги пуштани ҳосил қилишни таъминлай олмайди.

Пахтачиликда қўлланилаётган эгат олгич иш органлари талаб даражасидаги пушта олишни таъминлай олмайди. Пахтачилик хўжаликларида махсус пушта олгич агрегатини йўқлиги учун улар турли машиналарни (КВН-0,35, КЗУ-0,3 ва бошқалар) рамаларидан фойдаланиб, эгат олгичларни қанотларини ўзгартириш билан пуштани сифатли олиншини таъминлаб келганлар. Бироқ бундай усул билан сифатли пушта олишни қисман таъминлайди.

Шундан келиб чиқиб махсус иш органлари билан жиҳозланган осма пушта олгич (ГХ-4) агрегати ишлаб чиқилган бўлиб,

агрегат кузги ҳайдовдан сўнг текисланган, борона қилинган далаларда пушта олишга мўлжалланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур ишнинг мақсади-пахтачиликда пушта шакллантиришни янги технологияси ҳамда уни амалга оширувчи агрегат конструкциясини таҳлил этишга қаратилган.

Ишнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган.

-қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган пушта олгич машиналари ва уларни технологик иш жараёнларини ҳамда уларга қўйилган агротехника талабларини ўрганиш;

-пушта шакллантиришда тупроқнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил этиш;

-пушта шакллантиришнинг янги технологияси ҳамда уни амалга оширувчи агрегат конструкцияси ва унинг технологик иш жараёнларини таҳлил этиш;

-пушта шакллантиришда таклиф этилаётган технология қўлланилгандаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш.

1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ПУШТА ОЛГИЧ МАШИНАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Пахта экиш учун пушта шакллантириш технологияси ва унга қўйилган агротехника талаблари

Пушта ҳосил қилиш учун маълум хажмдаги тупроқни қирқиб олиб уни (уни орган чуқурлигига нисбатан маълум баландликка) кўтариш ва унда ҳосил бўладиган эгатга нисбатан қулай бўлган шароитга қўйиш керак. УзМЭИни бир неча йиллик олиб борган тадқиқотларида пуштада иккита қиялик бурчагига эга бўлиб, кесиб олинаётган тупроқни қалинлиги иш органи параметрларига кўп жиҳатдан боғлиқ, хусусан қанотни пастки кесик қисмини вертикал проекциясини қиялик бурчагига бошқа қиялик бурчак эса ўйилган қисмдаги тупроқни физик-механик хусусиятларига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пуштага сифатли экиш учун пуштани шакллантиришда эгатлар орасидаги ҳамда қўшилишдаги ён ўтишдаги масофани бир текислиги катта аҳамиятга эга. Шу ҳолда пушта бошқа қурол билан шакллантирилса, экиш эса бошқаси билан амалга оширилганда (турли экиш усулларида пушта олиш билан бирга амалга оширилади) агрегатни бир ўтишида ҳосил бўлаётган пушталар экиш сеялкасини қаторларига тўғри келиши керак. Чигитни тўрт қаторли селякалар билан экиш қатор афзалликларига эга. Шунинг учун экишга тайёрланган пушталар сони тўрт ёки саккиз қаторли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тўрт қаторли пушта ҳосил қилиш учун пушта олгич-агрегати бешта пушта олгич иш органи билан жиҳозланиши керак.

Пушта шакллантиришда бир қанча қийинчиликлар туғдиради. Масалан, пуштани шакллантиришда тракторни маркер изи бўйлаб бир оз четланиш ҳосил бўлаётган четки пуштани аввалги ўтишда ҳосил қилинган пушта томонга сурилишидан бу пушта ўқлари орасидаги масофа қисқаради ва чигит пушта тепасига эмас балки қиялиги бўйлаб экилиб тўлиқ кўмилмай қолиб кетади натижада униб чиқмайди. Пушта шакллантиришда қатор ораларини қўшилишидаги пушта кенглигини бир ҳиллигини таъминлаш бир қанча қийинчиликлар туғдиради, чунки пушта олгични четки иш органлари тупроқни турли шароитларида ишлайди, улардан бири пушта ярим профили янги эгатини ҳосил қилса, иккинчиси олдинги ўтишдаги эгатни кўчиради.

Пушта олгич ҳаракатига таъсир этаётган тупроқни қаршилиқ кучи тенг тақсимланмаганлигидан унинг тенг таъсир этувчиси ҳаракат йўналишига бурчак остида йўналганлиги учун тракторни ён томонга суради натижада четки пуштани аввал ҳосил қилинган пушта ярим профили томон сурилишига олиб келади.

Юқорида кўриб ўтилганларга асосан пушта шакллантиришда пушта олгич ва унинг иш органларига қуйидаги агротехник талаблар қўйилади:

-табiiй-иқлим шароитидан келиб чиқиб, пушталарни куз ёки баҳорда экишдан камида 15 кун олдин олиниши керак;

-пушта ҳосил қилишдан аввал дала ўсимлик қолдиқларидан тозаланган ёки пушта олгич иш органи қайтариб чиқармайдиган чуқурликда кўмилиши керак;

-дала хайдалган, текисланган ва экиш учун тайёрланган даражада бўлиши керак;

-пушта олишда тупроқни намлиги иш органлар чуқурлигида 18% да юқори бўлмаслиги керак, ушбу талабга айниқса баҳорда пушта олишда катта эътибор бериш зарур, чунки тупроқ остидан

нам юқорига чиқиб, юқори ҳарорат таъсирида катта зичликка эга бўлган кесаклар ҳосил бўлиб қийинлашади.

Пушта олгич агрегатига қўйилган агротехника талаблари:

-қатор оралари 90 см бўлган экиш учун пушта баландлиги 24 ± 2 см дан кам бўлмаган пушталар ҳосил қилиш керак;

-қатор оралари 60 см бўлган экиш учун пушта баландлиги 16 ± 2 см дан кам бўлмаган пушталар ҳосил қилиш керак;

-пушта олишда бир ўтишда сеялка қаторига тўғри келишини таъминлаш керак.


-чоппиқ тракторларини экиш ва ишлов бериш даврида барча филдираклари эгат ичида юришини таъминланиши керак.

Илмий-техник адабиётлар, пахтакорларни илғор тажрибаларини ҳамда УзПИТИ ва УзМЭИ ларни олиб борган тадқиқотларини таҳлил этиб, ишлаб чиқарилган пахтачилик машиналарини ўрганиш натижаларидан Республикамизнинг суғориладиган пахтачилик зоналарида пушта шакллантириш учун машина рамасида қаттиқ маҳкамланган махсус иш органлари билан жиҳозланган, қўйилган талаб даражасидаги ўлчам ва шаклда пушта ҳосил қилиш имкони бўлган осма машина кераклиги аниқланди.

1.2. Пушта шакллантиришда қўлланилаётган агрегатлар таҳлили


Қишлоқ хўжалик экинлари учун пушта олиш учун турли иш органларидан: ПУН-1,7 плагининг чимқирқар корпусларидан, судратма ТГ-2 пушта олгичини хайдов корпуси, осма икки корпусли ГН-2 пушта олгичини эгат ҳосил қилувчи корпуслар, КРН-2,8 культиваторини окучник корпуси, сферик диск, фреза, шнек ва оддий кураклардан фойдаланиб келинган.

Сабзавотчиликда пушта ва жўяк олиш учун диски сеялка-култиваторлари пушта олиш сеялкалари ГН-2А пушта олгичлар (1-расм) ва УГН-4К пушта олгичлар (2-расм) ҳамда КГФ-2,8 пушта ҳосил қилувчи машиналардан фойдаланилган.



1-корпус; 2-озиқлантирувчи пичоқ; 3-таянч ғилдираги; 4-ўғит ўтказгич; 5-ҳаракат узатувчи занжир; 6-ўғитлагич аппарати; 7-грейдрни созлаш дастаги; 8- маркер; 9-грейдр; 10-борона; 11-шлейф; 12-занжир.

1-расм. ГН-2А осма пушта олгич схемаси




1-таянч ғилдираги; 2-карданли узатма; 3-корпусларни автоматик чуқурлатувчи механизм; 4-пушта ҳосил қилувчи корпус; 5-фреза; 6-кожух.

2-расм. УГН-4К универсал осма пушта олгич схемаси

Узоқ шарқ илмий-тадқиқот институтида диски пушта олгич

иш органи конструкцияси ишлаб чиқилган (3-расм). Сферик диски пушта олгичлари ўсимлик қолдиқларин яхши кесиш билан бирга тиқилмасдан ишлаши билан ағдаргичли иш органларига нисбатан қулай ҳисобланади.



1-рама; 2-жуфт дисклар; 3-якка дисклар.

3-расм. Дискли пушта олгичлар

Қатор афзалликларига қарамасдан диски иш органида ҳосил бўлаётган вертикал реактив куч дискни тупроқ юзасига чиқариб ташлашга ҳаракат қилади буни натижасида унинг ҳаракатланиш чуқурлигини бир текислигини таъминлаш учун қийинчилик туғдиради.

Пушта ҳосил қилишда корпусли окучниклардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тажриба синовлари натижаларига кўра сифатли ва агротехник талабларга жавоб берадиган пушталар икки

ағдаргичли корпуслар ёрдамида амалга оширилганлигини кўрсатган.

Корпусли окучниклар ёрдамида қатор оралари 60 см ва 90 см бўлган пушталар олиш бўйча олиб борган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**Корпусли окучниклар ёрдамида ҳосил қилинган қатор оралари
60 см бўлган пушталарни асосий ўлчамлари**

№1 жадвал


Окуч- ник вариант лари	Қанот ораси- даги тирқиш, <i>м</i>	Қанот- лар қулочи, <i>мм</i>	Қанот ён қирқимини жойлашиш бурчаги, <i>град</i>	Тупроқни қиялик бурчаги, <i>град</i>	Пуштани ҳақиқий баланд- лиги, <i>см</i>
I	140	460	52	35,7	16,3
II	230	370	56	35,8	14,3
III	280	320	57	36,1	16,1
IV	360	240	72	35,1	15,1
V	140	460	47	35,0	15,5
VI	180	420	51	35,5	16,2
VII	240	360	56	35,0	14,5

Жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, қанотлар қулочини камайиши пуштани ҳақиқий баландлигини камайишига, пуштани устки майдонини кенгайишига, пуштани қиялик бурчаги бироз ўзгарганлигини кўриш мумкин. Олинган натижалар окучникларни ишлов бериш чуқурлиги 11 см бўлганда аниқланган. Бундан кейинги чуқурликни ортирилиши окучниклар олдида тупроқни тўпланишига, қанотлар тепасидан тупроқни қайтиб эгат ичига тушишига ҳамда бунда пушта баландлигини ортиши ўрнига камайишига олиб келиши кузатилган.

Бироқ, бунда қатор оралари кенглигини ортиришга тўғри келади, чунки қанотлар қулочини ортиши ҳисобига ёнма-ён турган иш органлар қанотлар орасидаги масофа улар орасидан тупроқ тўпланмасдан чиқиб кетиш масофасидан кам бўлмаслиги керак.

М.Г.Догановский олиб борган тадқиқотларида пушта олгични қуйидаги ўлчамларини таклиф этди: корпус кўкрагини баландлиги-275 мм, қанотлар қулочи (максимал қатор оралари 60 ва 70 см учун – 420 мм ва 480 мм, қанотларн пастки кесимини фронтал проекцияси бўйича бурчаги пушта қиялигидан $4...5^0$ катта бўлиши керак.

ГХ-4 пушта олгичи (4-расм) осма машина бўлиб, унинг асосий қисми рама 1 га бошқа қисмлар маҳкамланади. Раманинг олди тўсинига таянч ғилдираги 2 ва 4, изтортқичлар 6 ва 7, гидроюритма 5 ва олдинги йиғиш устуни 3 лар ўрнатилган. Раманинг орқа тўсинига асосий ишчи органлар 9, орқали йиғиш устунлари 8 ва мола-текислагич 10 лар беркитилган.



1-рама, 2,4-таянч ғилдираклар, 3,8-йиғиш устунлари, 5-гидроюритма, 6,7-изтортқичлар, 9-ишчи орган, 10-мола-текистлагич.

4-расм. ГХ-4 пушта олгич

Иш жараёнида агрегатнинг ҳаракатланиши билан бирга пушта олгичнинг ишчи органлари тупроқни қирқиб эгат очади ва қирқилган тупроқ ишчи орган ағдаргичлари ёрдамида пушта ёки жўяк кўринишида шакллантирилади.

Қатор ораси кенглиги 60 см дан саккизта пушта олиш (5-расм) учун раманинг орқа балкасига ишчи органларни маҳкамлаш мақсадида қўшимча секциялар ўрнатилади.

Юқорида келтирилган мавжуд пушта олгич агрегатлари таҳлили шуни кўрсатадики, пушта шакллантириш учун ерларни тайёрлашда хайдов, хайдовдан ҳосил бўлган нотекисликларни текислаш, бороналаш, молалаш жараёнлари ўтказилади, ҳар бир жараён алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажарилиши меҳнат, энергия, ёнилғи сарфи харажатларини ортишига далага агрегатларни қайта-қайта ўтиши натижасида тупроқни ортиқча зичланишига унинг структурасини бузилишига олиб келади. Шунга кўра агрегатни бир ўтишида пушта шакллантириш учун ўтказилаётган жараёнларни амалга ошириш учун янги технология ва уни амалга ошириш учун комбинациялашган агрегат қўллаб эришиш мумкинлиги аниқланди.

2. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУПРОҚНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, пахта етиштиришда Республикамиз пахтачилик шароитида ҳайдов қатламидаги тупроқ унумдорликни ҳамда пахта ҳосилини ортиришда кузги шудгорлаш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади.

Тупроқни унумдор қатламини ортиши кўчат қалинлиги бўйича ўсимликларни озикланиш майдонини оширади. Бироқ ҳайдов чуқурлиги ортириш унумдор қатламга қараб чегараланган бўлиб, фақат Андижон вилояти бўз тупроқларида ҳамда жанубий зона Сурхондарё вилоятида ҳайдов чуқурлиги 35-40 см чуқурликда ҳайдаш имкониятини беради.

Тупроқни унумдор қатламини орттириш ҳайдов чуқурлиги чекланган зоналарда фақат пушта ҳосил қилиш билан эришиш мумкинлиги олиб борилган изланишларда ўз исботини топган.

Маълумки ўсимликни ривожланиши учун нафақат озуқа модда ва намлик керак, балки унга ҳаво ҳам зарур ҳисобланади. Ҳаво эса микроорганизмларни яшаш шароити учун ва тупроқда гумусни бойитишдаги окидланиш жараёнлари учун зарур ҳисобланади. Бундан ташқари ўсимликни илдиз системасини нафас олиши учун ҳам зарурдир. Шунинг учун ўсимлик илдиз системасини ривожланиш қатламида тупроқ майдаланиб юмшатиш керак. Пуштадаги тупроқни пастки қатламини керакли тузилмасини таъминлаш учун пушта олишдан олдинги юқори сифатли ишлов ҳисобланади. Бунга асосан ўсимлик қолдиқларини тўла кўмилишини таъминловчи сифатли ҳайдов билан бирга бороналаш ва молалаш, дала юзасини текислаш жараёнлари киради. Пушта олиш учун ҳайдалган даладаги тупроқ

намлиги талаб даражасида бўлиши керак. Намлик миқдорини ортиқ ёки кам бўлиши тупроқни талаб даражасида уваланишига тўсқинлик қилади. Пуштани юқори қатламидаги тупроқ уюми унинг физик-механик хусусиятига (лой тупроқларда табиий ўтириш (чўкиш) қумлоқ тупроқларга нисбатан юқори бўлади) ҳамда табиий-иқлим шароитига (тупроқ қатқалоғини ҳосил бўлиш) боғлиқ. Талаб даражасида олинган пуштадаги тупроқни фракция таркиби, экиш ва вегетация даврида уни зичлиги ва намлиги талаб даражасида бўлишидир.

Пуштани сифатли олиниши унинг баландлигини бир текислиги ва қатор оралари кенглигини бир ҳиллиги кейинги жараёнларни (экиш, қатор ораларига ишлов бериш ва бошқалар) сифатли амалга оширилишига таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида талаб даражасида олинадиган пушта, экишдан олдинги жараёнларни сифатли амалга оширилишига боғлиқдир.

Пуштани кузда олиниши мақсадга мувофиқдир, чунки табиий-иқлим омиллари таъсирида тупроқни жойлашуви оптимал кўринишда, юза қатлами эса сув ўтказувчан бўлади. Шунинг учун экишдан олдинги (бороналаш, молалаш ва текислаш) жараёнларини биргаликда пушта олишдан аввал кузги хайдовдан сўнг амалга оширилади(2-жадвал).

Кузги шудгорлашдан сўнг тупроқни фракция таркиби, %

№2 жадвал

№	Тупроқни фракция ўлчамлари, мм ва таркиби, %			
	> 50	> 10	< 0,25	< 0,25
Ю.А. Погосова ва Л.И.Слесаров маълумотлари				
1	6,2	62,4	33,4	4,2
2	11,7	51,6	44,36	5,04
УзМЭИ маълумотлари				
6	16,0	51,8	43,9	4,2
7	12,0	56,4	34,9	8,7

Олиб борилган бир неча йиллик тажрибалар натижаларида кузги хайдовдан сўнг хайдов қатлами чуқурлиги бўйича тупроқни уваланиши сифати талаб даражасида эмаслигини кўрсатди ($\approx 11,5\%$). Шунинг учун пушта олишдан аввал тупроқдаги катта кесакларни майдалаш учун баъзида диски ёки фрезали иш органлари билан ишлов беришга тўғри келмоқда. Агар кузда ёгингарчилик бўлмаган бўлса хайдов олдидан суғориш мақсадга мувофиқдир.

Пушта олишга тайёрланган далада ишловчи пушта олувчи иш органлари билан бирга тупроқдаги намлик, қаттиқлик ва зичлик билан характерланадиган кўрсаткичларини кўрсатиш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотларида хайдовдан сўнг олинган пуштага экилган чигитни чуқур эгатларда суғорилиши ўсимликни ривожланиши учун тупроқ зичлигидаги қулайликни таъминлаш билан бирга вегетацияни узоқ давригача фарқ аниқлиги бўлмаганлигини кўрсатади (3-жадвал).

**Тупроқ зичлигини турли ишлов бериш технологиялари
бўйича ўзгариш динамикаси, $г/см^3$**

№3 жадвал

Тажрибалар олинган вақт	Тупроқ қатламлари, см			
	0-10	10-20	20-30	30-40
Текис далага экилганда				
Хайдов олдидан	1,23	1,50	1,52	1,52
Экиш олдидан	1,09	1,34	1,41	1,57
I-суғоришдан сўнг	1,23	1,46	1,48	1,55
III-суғоришдан сўнг	1,20	1,51	1,48	1,52
Вегетация охирида	1,18	1,45	1,51	1,53

Пуштага экилганда				
Экиш олдида	1,26	1,28	1,31	1,42
I- суғоришдан сўнг	1,11	1,26	1,33	1,46
III-суғоришдан сўнг	1,20	1,36	1,43	1,43
Вегетация охирида	1,18	1,34	1,48	1,46

Сифатли ишлов беришга тупроқ намлиги катта таъсир кўрсатади. Республикамизнинг пахтачилик зоналарида кенг тарқалган тупроқ турлари (енгил, ўртача ва оғир соф тупроқ, ботқоқ, ўтлоқи-ботқоқ ва бошқалар) намлиги (<10%) дан кам бўлганда кичик кесакларга (бўлинмайди) майдаланмайди, юқори намлик 19% дан катта бўлганда тупроқ донадорлиги йўқолиб, кичик деформацияда ҳам пластик кўринишга келади.

Олиб борилган тадқиқотларда тупроқ намлигини катта диапазонда ўзгариши пахтачиликда пушта олиш учун мўлжалланган техник қурилма ва иш органларини лойиҳалаштиришда ҳисобга олиш талаб этилади.

Тупроқ қатламлари бўйича пушта олишдан авваал тупроқ намлиги бўйича олинган маълумотлар 4-жадвалда ўз аксини топган.

**Тупроқ қатламлари бўйича пушта олишдан авваал
тупроқ намлиги бўйича олинган маълумотлар, %**

№4 жадвал

Тажрибалар олинган вақт	Тупроқ қатламлари, см			
	0-10	10-20	20-30	30-40
М.У. Умаров ва Х. Икромов маълумотлари				
Хайдов олдида	8,0	12,5	13,6	13,7
Баҳорги пушта олиш олдида	15,0	15,8	14,5	14,6

Кузги пушта олиш олдидан	18,8	17,8	17,6	16,6
УзМЭИ агротажриба маълумотлари				
Кузги пушта олиш олдидан	12,1	13,9	13,1	12,7

Вертикал пона қўлланилганда тупроқ қаттиқлиги ёки тупроқни солиштирма қаршилиги иш органини ҳаракат қаршилигига сезиларли таъсир кўрсатади (5-жадвал).

**Тупроқ қатламлари бўйича тупроқ қаттиқлиги, *МПа* ни
намликка боғлиқ равишда ўзгариши**

№5 жадвал

Тупроқ намлиги, %	Тупроқ қатламлари, см					
	0-5	5-10	10-15	15-20	20-25	25-30
8,9	7,75	9,0	11,00	11,3	10,5	9,99
9,2	3,62	4,8	6,0	6,5	7,15	7,25
12,2	2,84	4,0	4,8	4,8	5,3	5,7
17,6	1,96	2,26	2,64	3,23	4,8	4,4
19,8	1,57	1,77	2,06	2,34	3,04	2,82


Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилидан тупроқ намлиги ортитши қаттиқликни камайишига олиб келмоқда, яъни иш органи учун шароит яхшиланмоқда. Бироқ намлик 19% дан ортганда соф тупроқларда қаттиқлик бирданига ортиб кетиб, ишлов бериш шароити ёмонлашади.

3. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ АГРЕГАТ КОНСТРУК- ЦИЯСИ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИ

Таклиф этилаётган технология бўйича пахта ҳосилидан бўшаган далалар кузда шудгорланмайди, фақат уларда ўтган мавсумдаги суғориш эгатларининг ичигина юмшатилади ва ўғитланади ҳамда шу юмшатиш ва ўғитланган жойларда келгуси йили чигит экиш учун янги пушталар ҳосил қилинади.

Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология асосида ишлов бериш юқорида таъкидланганидек, кузда амалга оширилиб, пахта ҳосилидан бўшаган ғўзапоёси юлиб тозаланган далаларнинг ўтган мавсумдаги эгатлар ичи агрегатнинг бир ўтишида 30-40 см чуқурликда ағдармасдан йўл-йўл юмшатилади, юмшатиш жой икки қатламда юмшатиш қатлам туби ва ундан 30-40 см баландликда лентасимон усулда ўғитланади, эски пушталар шу юмшатиш ва ўғитланган жойларга сурилиб, баландлиги 25-30 см бўлган янги пушталар ҳосил қилинади, яъни ўтган мавсумдаги эгатлар ўрнида ости юмшатиш ва ўғитланган пушталар, пушталар ўрнида эса эгатлар ҳосил бўлади (5 –расм).

Далаларни чигит экишга тайёрлашнинг юқорида таъкидланган мавжуд ва таклиф этилаётган технологиялари ўзаро таққосланганда таклиф этилаётган технологияда ерлар ағдариб ҳайдалмасдан йўл-йўл юмшатилиши ҳамда бороналаш, молалаш ва чизеллаш тадбирлари ўтказилмаслиги туфайли меҳнат, энергия ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфининг сезиларли даражада камайиши, агрегатларнинг даладан ўтишлар сони кескин қисқариши (6-7 мартадан 2 мартагача) ҳисобига тупроқнинг ортиқча зичланмаслиги маълум бўлди.



а- агрегат ўтишидан аввалги мавжуд пушта ва эгат; б-агрегатнинг иш жараёни; в-ҳосил бўлган янги пушта ва эгат.

5-расм. Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширувчи комбинациялашган агрегатни технологик иш жараёнининг схемаси

Булардан ташқари чигитлар юмшатишган, ўғитланган ва пушта олинган ҳамда тракторлар ҳаракатлантиргичлари томонидан босилмаган жойларга экилганлиги сабабли уларни бир текис униб чиқиши, ўсимликларнинг яхши ривожланиши ва юқори ҳосил


етиштириш учун қулай шароит яратилади. Суғориш эгатларининг юмшатилмаган жойлардан олиниши эса намнинг асосан ғўза илдизлари ривожланадиган жойларда тўпланиши ва сувнинг ортиқча исроф бўлмаслигини таъминлайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган янги технология бўйича бу йил пушта олинган жойга келгуси йили эгат очилади, эгат очилган жойга эса пушта олинади. Ундан кейинги йили эса бунинг акси бўлади. Бундай эгат ва пушта ўринларини алмашиб туриши тупроқ физик-механик хоссаларининг яхшиланиши ҳамда унда мавжуд бўлган озуқа моддаларни ўсимликлар томонидан самарали ўзлаштирилишига олиб келади.

Бу технологияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат (6-расм) иш органлари ўрнатиладиган ва уларни турли масофалар ҳамда чуқурликларда созлаш имконини берувчи рама 1, агрегатни тракторга осиш учун мўлжалланган ўрнаткич 2, чуқур юмшаткич 3, пушта олгич 4, ўғит бункери 5, ўғит солгич-тақсимлагич 6 ва таянч ғилдираги 7 лардан ташкил топган.

Комбинациялашган агрегатнинг асосий иш органлари тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшаткич, юмшатиш қатламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш қурилмаси ҳамда юмшатиш ва ўғитланган қатлам устига пушта ҳосил қилувчи пушта олгичлар ҳисобланади.

Юмшатувчи иш органи сифатида исканасимон юмшаткич, пушта олувчи иш органи сифатида эса сферик дисклар қабул қилинди.

Чуқур юмшаткичлар рама ички қисмига оралари 1800 мм этиб жойлаштирилган. Юмшаткичлар ғўза қатор ораларини суғориш учун ўтган мавсумда очилган эгат ичини 30-40 см чуқурликда юмшатади.




1-рама; 2-ўрнаткич; 3-чуқур юмшаткич; 4-пушта олғич;
 5-ўғитлаш бункери; 6-ўғит солғич-тақсимлагич; 7-таянч
 ғилдираги

6-расм. Комбинациялашган агрегатнинг схемаси

Агрегатдаги чуқур юмшаткичлар сони бўйича унинг бир ўтишида иккита эгат ичи юмшатилади. Улар агрегат рамасининг олдинги қисмига таянч ғилдиракларига нисбатан 200-250 мм орқа томонга суриб ўрнатилади.

Пушта олгичлар (8-чизма) чуқур юмшаткичлар юмшатган қатлам устига ўтган мавсумдаги пушталар тупроғини ағдариб, янги пушталар ҳосил қилади. Улар агрегат рамасининг орқа қисмига юмшаткичларга нисбатан 180-200 мм юқорига ва 450 мм ён томонга суриб ўрнатилади.



а- пушта олгич иш органи
схемаси




б- пушта олгичнинг
умумий кўриниши

7-расм. Комбинациялашган агрегатни пушта олгич иш органи

Агрегатни ўғитлаш қурилмаси юмшаткич томонидан юмшатиш қатлам туби ва унга нисбатан 30-40 см баландликка лентасимон усулда ўғит солиш учун мўжалланган.

Агрегатнинг ҳаракатланиш схемаси қуйидагича кечади: агрегатнинг биринчи ўтишида умумий ишчи қамров кенглиги бўйича 1800 мм ораликда, кенглиги 900 мм бўлган икки қатор

пушталар ҳосил қилиб, улар орасида кенглиги 900 мм бўлган ишлов берилмаган қатор қолади (8-расм,а), унинг қайтишида 1800 мм ораликда ҳосил бўлган пушталар орасидаги ишлов берилмаган қаторда ҳамда уларнинг ёнида навбатдаги кенглиги 900 мм икки қатор пушталар ҳосил бўлади (8-расм,б).



а ва б-мос равишда агрегатнинг биринчи ўтишида ва қайтишида
ҳосил бўлаётган пушталар

8-расм. Комбинациялашган агрегатнинг ҳаракатланиш схемаси

3.1. Комбинациялашган агрегатнинг ишлаш шароити ҳамда агрегатнинг пушта олгичига қўйилган агротехника талаблари

Комбинациялашган агрегат асосан шўрланмаган ҳамда яхоб суви берилмайдиган табиий-иқлим шароити пуштада пахта етиштириш имконини берувчи минтақаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган далаларни келгуси йили пуштага чигит экиш учун тайёрлашда қўлланилади.

Аксарият ҳолларда далалар юзасида эгат ва пушталар мавжуд бўлиб, комбинациялашган агрегат мавжуд эгатлар тубини юмшатиб, улар ўрнида янги пушталар, эски пушталар ўрнида эса янги суғориш эгатларини ҳосил қилиб кетади.

9 ва 10–расмларда пахта ҳосилидан бўшаган, ғўзапояси юлиб тозаланган ҳамда кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирилган далаларда комбинация-лашган агрегат билан ишлов беришга тайёрланган даланинг умумий кўриниши ва унда мавжуд бўлган пушта ва эгатларнинг кўндаланг профиллари тасвирланган.




а




б

а-пахтадан бўшаган дала; б-такрорий экиндан бўшаган дала

8-расм. Комбинациялашган агрегат билан ишлов беришга тайёрланган даланинг умумий кўриниши



а



б

9-расм. Пахтадан (а) ва такрорий экиндан (б) бўшаган далалар юзасида мавжуд бўлган пушта ва эгатларнинг кўндаланг профиллари

Ўтказилган тадқиқот натижаларида ғўзапояси юлиб тозаланган далаларда эгатларнинг чуқурлиги (ёки пушталарнинг баландлиги) 10,7-12,4 см оралиғида ўзгаришини, уларнинг ўртача қиймати эса 11,7 см га тенглигини кўрсатди. Кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирилган далаларда бу кўрсаткичлар мос равишда 14,8-19,4 ва 17,1 см бўлди

Комбинациялашган агрегатнинг пушта олгичига қўйилган агротехника талаблари илгари олиб борилган тадқиқотлар ҳамда юқорида таъкидланганларга асосан пушта шакллантиришда комбинациялашган агрегат пушта олгичига қуйидаги агротехника талаблари қўйилади:

–қатор оралари 90 см бўлганда баландлиги 24 ± 3 см бўлган пушталар ҳосил қилиш керак;

–агрегат пушта олгичи томонидан шакллантирилаётган пушта маркази юмшатиш ва ўғитланган қатлам марказига тўғри келишини таъминлаши керак;

–пуштада ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги, 100 мм дан катта фракциялар миқдори эса 10 фоиздан ошмаслиги керак.

4. ПУШТА ОЛГИЧ ДИСКИНИ ДИАМЕТРИНИ СИФАТ ВА ЭНЕРГЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Пушта олгични асосий сифат кўрсаткичлари юмшатиш қатлам устида ҳосил бўлаётган пушта баландлиги, ундаги тупроқни майдаланиш сифати ҳамда пушта билан юмшатиш қатламини умумий баландлиги ҳисобланади.

Агрегат ишлов беришдан олдинги даланинг ҳолати (10-расм) ишлов беришдан аввал олинган тупроқ намлиги, қаттиқлиги ва зичлиги натижалари 6-жадвалда келтирилди.

Олинган тупроқ намуналари агрегат ишлов берадиган қаторларни эгат ичидан, пушта устидан ҳамда чок қаторлари яъни пушта ичидан трактор ғилдираги юрмаган қаторлардан олинди.

Пахтадан бўшаган дала тупроғининг намлиги, зичлиги ва қаттиқлиги бўйича маълумотлар

№6 жадвал

Намуна олинган жой	Тупроқ қатламлари, см			
	0-10	10-20	20-30	30-40
<i>Тупроқнинг намлиги, %</i>				
Эгат	7,3-16,8	9,5-12,8	10,5-13,9	10,9-15,8
Пушта	4,8-15,5	4,3-8,0	8,5-11,0	9,9-12,9
Чок қатор ўртаси	5,2-16,0	4,7-9,8	9,5-12,5	8,8-14,9
<i>Тупроқнинг зичлиги, г/см³</i>				
Эгат	1,38-1,45	1,43-1,48	1,47-1,53	1,48-1,54
Пушта	1,33-1,36	1,34-1,38	1,41-1,45	1,43-1,51
Чок қатор ўртаси	1,35-1,39	1,38-1,42	1,37-1,51	1,39-1,50
<i>Тупроқнинг қаттиқлиги, МПа</i>				
Эгат	2,89-3,41	3,06-3,21	4,01-4,21	4,58-4,89
Пушта	0,92-1,42	1,42-2,89	3,12-3,34	3,29-3,74
Чок қатор ўртаси	1,33-2,08	2,18-2,78	3,47-3,68	3,89-4,22



**10-расм. Эксперимент ўтказиладиган далани ишлов
беришдан аввалги ҳолати**

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, эгат тупроғининг қаттиқлиги ва зичлиги пушта ҳамда чок қаторга нисбатан кўп. Бунини экинлар вегетацияси даврида эгат тупроғининг чопиқ трактори ғилдираклари таъсири остида зичланиши билан изоҳлаш мумкин. Яна шунини таъкидлаш лозимки, пахта ҳосилидан бўшаган далада тупроқнинг намлиги кам, қаттиқлиги ва зичлиги юқори бўлган.

Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган комбинациялашган агрегатни пушта олгич дискини вариантлари (11-расм) қуйидаги кўрсаткичлар бўйича қиёсий синовдан ўтказилди: пушта олгич ёрдамида ҳосил бўлган пушта баландлиги; ҳосил бўлган пушта баландлиги профили; ҳосил бўлган пуштадаги тупроқни майдаланиш сифати.



**11-расм. Диаметри 450 (1), 550 (2) ва 650 (3) мм бўлган
сферик дисклар**

Ўтказилган тажрибаларнинг натижалари 7-жадвал келтирилган.

Пушта олгич дискини вариантлари бўйича сифат ва энергетик кўрсаткичлари

№7 жадвал

Вариант-лари	Қуйидаги ўлчамли (мм) фракциялар миқдори %			Пушта баландлиги, см		Юмшатиш қатлам қалинлиги, см		Қаршилик, кН
	>100	100-50	<50	$M_{\text{ўр}}$	$\pm \sigma$	$M_{\text{ўр}}$	$\pm \sigma$	
$D=450\text{мм}$	10,63	10,97	78,4	27,8	1,19	73,5	1,02	1,28
	9,7	10,97	79,33	25,4	1,38	70,2	0,95	1,83
$D=550\text{мм}$	10,87	10,73	78,4	30,5	1,42	70,0	0,95	1,95
	9,67	10,33	80,0	29,2	1,08	71,2	2,08	2,20
$D=650\text{мм}$	9,2	12,17	78,63	30,3	1,28	73,5	1,42	2,37
	8,53	11,8	79,67	28,9	1,92	74,9	1,08	2,55

Изоҳ: Агрегат тезлиги: сурат-5,0 км/соат; маҳраж-6,5 км/соат

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики кам энергия сарифлаган ҳолда талаб даражасидаги пушталарни диаметри 550 мм бўлган сферик дисклар ҳосил қиляпти. Диск диаметри камайиши пушта баландлигини пастлашига, ошиши эса энергия сарфини ортишига олиб келмоқда.

Демак, юқорида таъкидлаганларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, кам энергия сарфланган ҳолда талаб даражасидаги пушталарни диаметри 550 мм бўлган сферик дискларни қўллаб ҳосил қилиш мумкин.

5. ПУШТА ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБИ

Пушта шакллантириш жараёнларига кузги ўғитлаш, кузги хайдов, хайдов мобайнида ҳосил бўлган нотекисликларни текислаш, бороналаш, молалаш ва пушта олиш жараёнлари киради. Келтириб ўтилган жараёнларни бажариш учун ҳар бири учун алоҳида-алоҳида машина-трактор агрегати тузилиб, амалга ошириб келинмоқда, бу эса ўз навбатида агрегатни далага бир неча маротаба кириши билан тупроқ структурасини ўзгаришига ҳамда эксплуатацион харажатларни ортиб кетишига олиб келмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили пушта шакллантиришдаги кузги ўғитлаш, кузги хайдов ҳамда экишдан олдин ишлов бериш жараёнлари бороналаш, текислаш, молалаш, ва пушта олиш жараёнларини агрегатни бир ўтишида амалга ошириш имкониятига эга бўлган комбинациялашган агрегат конструкцияси ишлаб чиқилган бўлиб, тупроққа мавжуд технология асосида ишлов бериш жараёнларни асосий кўрсаткичлари таклиф этилаётган агрегат кўрсаткичлари билан солиштирилди ҳамда таҳлил этилди.

5.1. Мавжуд технология асосида пушта шакллантириш жараёнларини асосий кўрсаткичлари ҳисоби

НРУ-0,5 ўғит сепгичи билан ўғит сепиш жараёни

Ўғит сепиш учун машина- трактор агрегати таркибини аниқлаш.

Кузги ўғит сепиш жараёни учун машина-трактор агрегати тракторни техник характеристикасидан қўйилган агротехника талабларига асосан мавжуд НРУ-0,5 ўғит сепгич машинасида амалга оширилади.

Агрегат тезлиги- 6,8 км/соат

МТА таркиби: ТТЗ-80.11+НРУ-0,5

Агрегатни ишчи қамраш кенглиги

$$B_{иш} = B_{\kappa} \cdot \beta, м$$

B_{κ} - агрегатни қамраш кенглиги, $B_{\kappa}=7,5 м$

β -катор ораларига ишлов бериш жараёнида қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффиценти, $\beta=0,85$

$$B_{иш} = 7,5 \cdot 0,85 = 6,37 м$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти

$$\tau = \frac{T_{иш}}{T_{иш} + T_{с.ю.} + T_m}$$

бунда, $T_{иш}, T_{с.ю.}, T_m$ – агрегатни ишчи ва салт юриш йўллари

босиб ўтишга ҳамда двигател ишлаб турган ҳолда агрегатни тўхтаб туришга сарфланган вақтлар, *соат*.

$T_{иш}=5,59 соат$, $T_{с.ю.}=0,99 соат$, $T_m=0,42 соат$ га тенг деб,

$$\tau = \frac{5,59}{5,59 + 0,99 + 0,42} = 0,8$$

Агрегатни иш унуми

$$W_{см} = W_{с} \cdot T_{см}$$

$W_{с}$ - агрегатни соатли иш унуми, *га/соат*

$T_{см}$ -смена вақти, $T_{см}= 7 соат$

$$W_{с} = 0,1 \cdot B_{иш} \cdot V_{иш} \cdot \tau, га/соат$$

$B_{иш}$ – агрегатни ишчи қамров кенглиги, м

$V_{иш}$ – агрегатни ишчи тезлиги, км/соат

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти,

$$W_{с} = 0,1 \cdot 6,37 \cdot 6,8 \cdot 0,8 = 3,46 га/соат$$

$$W_{см} = 3,46 \cdot 7 = 24,25 га$$

Иш бирлигига сарфланаётган ёнилғи миқдори.

$$Q = \frac{G_{иш} \cdot T_{иш} + G_{с.ю.} \cdot T_{с.ю.} + G_m \cdot T_m}{W_{см}} \text{ кг / га}$$

бунда, $G_{иш}, G_{с.ю.}, G_m$ – агрегатни смена давомида ишчи ва салт юришидаги ҳамда двигател ишлаб турган ҳолда агрегат тўхтаб туришдаги ёнилғини соатли сарфи, кг/соат .

$G_{иш} = 14,4 \text{ кг/соат}$, $G_{с.ю.} = 3,6 \text{ кг/соат}$, $G_m = 2,0 \text{ кг/соат}$

$$Q = \frac{14,4 \cdot 5,59 + 3,6 \cdot 0,99 + 2 \cdot 0,42}{24,25} = 3,5 \text{ кг / га}$$

Мавсум давомида агрегатни бажарган ишига сарфланган ёнилғи миқдори.

$$Q_{мав} = Q \cdot W_{агр}, \text{ кг}$$

$W_{агр}$ – агрегатни юкланиши, га $W_{агр} = 360 \text{ га}$

$$Q_{мав} = 3,5 \cdot 363,75 = 1273,12 \text{ кг}$$

ПД-4-45 плуги ёрдамида икки ярусли кузги хайдов жараёни

Хайдов учун машина- трактор агрегати таркибини аниқлаш.

Хайдов жараёни учун машина-трактор агрегати таркиби тракторни техник характеристикасидан хайдов учун қўйилган агротехник талабга асосан олинади. Хайдов сифати бўйича агрегат тезлиги $3-7 \text{ км/соат}$ дан ортмаслиги керак.

Тракторни ишчи тезлиги- $6,7 \text{ км/соат}$

МТА таркиби: Т-4А+ПД-4-45

Агрегатни ишчи қамраш кенглиги

$$B_{иш} = B_k \cdot \beta, \text{ м}$$

бунда, B_k – агрегатни конструктив қамраш кенглиги, $B_k = 1,8 \text{ м}$

β - хайдов жараёнида қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти. $\beta = 1,05$

$$B_{иш} = 1,8 \cdot 1,05 = 1,89 \text{ м}$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти

$$\tau = \frac{T_{иш}}{T_{иш} + T_{с.ю.} + T_m}$$

бу ерда: $T_{иш}, T_{с.ю.}, T_m$ – агрегатни ишчи ва салт юриш йўллари
босиб ўтишга ҳамда двигател ишлаб турган
ҳолда агрегатни тўхтаб туришга сарфлан-
ган вақтлар, *соат*.

$T_{иш} = 4,27$ *соат*, $T_{с.ю.} = 2,24$ *соат*, $T_m = 0,49$ *соат* деб қабул қилиб,

$$\tau = \frac{4,27}{4,27 + 2,24 + 0,49} = 0,61$$

Агрегатни иш унуми

$$W_{см} = W_{см} \cdot T_{см}$$

W_c - агрегатни соатли иш унуми, *га/соат*

$T_{см}$ - смена вақти, $T_{см} = 7$ *соат*

$$W_c = 0,1 \cdot B_{иш} \cdot V_{иш} \cdot \tau, \text{га} / \text{соат}$$

бунда, $B_{иш}$ – агрегатни ишчи қамров кенглиги, *м*

$V_{иш}$ – агрегатни ишчи тезлиги, *км/соат*

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти,

$$W_c = 0,1 \cdot 1,89 \cdot 6,7 \cdot 0,61 = 0,77 \text{га} / \text{соат}$$

$$W_{см} = 0,77 \cdot 7 = 5,4 \text{га}$$

Иш бирлигига сарфланаётган ёнилғи миқдори.

$$Q = \frac{G_{иш} \cdot T_{иш} + G_{с.ю.} \cdot T_{с.ю.} + G_m \cdot T_m}{W_{см}} \text{кг} / \text{га}$$

бунда, $G_{иш}, G_{с.ю.}, G_m$ – агрегатни смена давомида ишчи ва салт
юришидаги ҳамда двигател ишлаб тур-
ган ҳолда агрегат тўхтаб туришдаги
ёнилғини соатли сарфи, *кг/соат*.

$G_{иш} = 19,6$ *кг/соат*, $G_{с.ю.} = 4,9$ *кг/соат*, $G_m = 2,0$ *кг/соат*

$$Q = \frac{19,6 \cdot 4,27 + 4,9 \cdot 2,24 + 2 \cdot 0,49}{5,4} = 17,7 \text{ кг / соат}$$

Мавсум давомида агрегатни бажарган ишига сарфланган ёнилғи миқдори.

$$Q_{\text{мав}} = Q \cdot W_{\text{агр}}, \text{ кг}$$

$W_{\text{агр}}$ - агрегатни йиллик юкланиши, га $W_{\text{агр}} = 280$ га

$$Q_{\text{мав}} = 17,7 \cdot 280 = 4956 \text{ кг}$$

Хайдов мобайнида ҳосил бўлган нотекисликларни ВП-8 юза текислагич ёрдамида текислаш жараёни

Машина трактор агрегати таркибини аниқлаш

Ушбу жараён учун машина трактор агрегати таркиби текислаш учун қўйилган агротехник талабга қараб аниқланади. Жараён учун агрегат тезлиги-5,7 км/соатдан ортмаслиги керак.

Бунда, агрегат ишчи тезлиги- $V_{\text{иш}} = 5,77$ км/соат

Агрегатни қамраш кенглиги, - $B_k = 8,0$ м.

МТА таркиби- Т-4А+ВП-8,0

Агрегатни ишчи қамров кенглигини аниқлаш.

$$B_{\text{иш}} = B_k \cdot \beta, \text{ м}$$

B_k - агрегатни конструктив қамров кенглиги, м

β - қамров кенглигидан фойдаланиш коэффиценти, $\beta = 0,98$

$$B_{\text{иш}} = 8 \cdot 0,98 = 7,84 \text{ м}$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти

$$\tau = \frac{T_{\text{иш}}}{T_{\text{иш}} + T_{\text{с.ю.}} + T_m}$$

$T_{\text{иш}} = 5,6$ соат, $T_{\text{с.ю.}} = 0,98$ соат, $T_m = 0,42$ соат

$$\tau = \frac{5,6}{5,6 + 0,98 + 0,42} = 0,8$$

Агрегатни иш унумини аниқлаш

$$W_{cm} = W_c \cdot T_{cm}$$

$$W_c = 0,1 \cdot B_{uш} \cdot V_{uш} \cdot \tau, \text{га/соат}$$

$$W_c = 0,1 \cdot 7,84 \cdot 5,77 \cdot 0,8 = 3,62 \text{га/соат}$$

$$W_{cm} = 3,62 \cdot 7 = 25,34 \text{га}$$

Иш бирлигига сарфланган ёнилғи миқдори

$$Q = \frac{G_{uш} \cdot T_{uш} + G_{c.ю.} \cdot T_{c.ю.} + G \cdot T_m}{W_{cm}}, \text{кг/соат}$$

$$G_{uш} = 17,5 \text{кг/соат}, G_{c.ю.} = 4,4 \text{кг/соат}, G_m = 2 \text{кг/соат}$$

$$Q = \frac{17,5 \cdot 5,6 + 4,4 \cdot 0,98 + 2 \cdot 0,42}{25,34} = 4,07 \text{кг/соат}$$

Мавсум давомида агрегат бажарган ишга сарфланган ёнилғи миқдори

$$Q_{мав} = Q \cdot W_{aгp}, \text{кг}$$

$W_{aгp}$ – агрегатни йиллик юкланиши, га $W_{aгp} = 350 \text{га}$

$$Q_{мав} = 4,07 \cdot 350 = 1424,5 \text{кг}$$

3БЗС-1,0 тишли борона ёрдамида бороналаш жарёнини асосий кўрсаткичларини аниқлаш.

Машина трактор агрегат таркибини аниқлаш

МТА ни тузиш учун бороналашга қўйилган талабга асосан трактор техник характеристикасидан илмоқдаги куч ва ишчи тезлик олинади.

Тракторни ишчи тезлиги- V узатма учун- $V_{uш} = 7,82 \text{ км/соат}$

Илмоқдаги куч - $P_{ил} = 15992,6 \text{ Н}$

МТА таркиби: ДТ-75+ С-11У+3БЗС-1,0

Агрегатни ишчи қамров кенглигини аниқлаш.

$$B_{uш} = B_k \cdot \beta, \text{ м}$$

B_k - агрегатни конструктив қамров кенглиги, м

β - қамров кенглигидан фойдаланиш коэффиценти, $\beta = 0,98$

$$B_{uш} = 12 \cdot 0,98 = 11,76 м$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти

$$\tau = \frac{T_{uш}}{T_{uш} + T_{с.ю.} + T_m}$$

$$T_{uш} = 5,6 \text{ соат}, T_{с.ю.} = 0,98 \text{ соат}, T_m = 0,42 \text{ соат}$$

$$\tau = \frac{5,6}{5,6 + 0,98 + 0,42} = 0,8$$

Агрегатни иш унумини аниқлаш

$$W_{см} = W_c \cdot T_{см}$$

$$W_c = 0,1 \cdot B_{uш} \cdot V_{uш} \cdot \tau, \text{ га / соат}$$

$$W_c = 0,1 \cdot 11,76 \cdot 7,82 \cdot 0,8 = 7,36 \text{ га / соат}$$

$$W_{см} = 7,36 \cdot 7 = 51,5 \text{ га}$$

Иш бирлигига сарфланган ёнилғи миқдори.

$$Q = \frac{G_{uш} \cdot T_{uш} + G_{с.ю.} \cdot T_{с.ю.} + G \cdot T_m}{W_{см}}, \text{ кг / соат}$$

$$G_{uш} = 12,9 \text{ кг/соат}, G_{с.ю.} = 3,22 \text{ кг/соат}, G_m = 3,0 \text{ кг/соат}$$

$$Q = \frac{12,5 \cdot 5,6 + 3,22 \cdot 0,98 + 3 \cdot 0,42}{51,5} = 1,5 \text{ кг / соат}$$

Мавсум давомида агрегат бажарган ишга сарфланган ёнилғи миқдори.

$$Q_{мав} = Q \cdot W_{агр}, \text{ кг}$$

$W_{агр}$ – агрегатни йиллик юкланиши, га $W_{агр} = 350 \text{ га}$

$$Q_{мав} = 1,5 \cdot 350 = 525 \text{ кг}$$

МВ-6,0 мола-текислагич ёрдамида текислаш жараёнини асосий кўрсаткичлар ҳисоби.

Машина трактор агрегат таркибини аниқлаш

МТА ни тузиш учун текислаш жараёнига қўйилган талаб-

ларга асосан трактор ишчи тезлиги ва илмоқдаги куч олинади.

Тракторни ишчи тезлиги- III узатма учун- $V_{uш} = 6,27 \text{ км/соат}$

Илмоқдаги куч - $P_{ил} = 21275,9 \text{ Н}$

Олинган маълумотларга асосан агрегат таркиби- ДТ-75+ МВ-6,0

Агрегатни ишчи қамров кенглигини аниқлаш

$$B_{uш} = B_{\kappa} \cdot \beta, \text{ м}$$

B_{κ} - агрегатни конструктив қамраш кенглиги, м $B_{\kappa} = 6,0 \text{ м}$

β - хайдов жараёнида қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти. $\beta = 0,98$

$$B_{uш} = 6 \cdot 0,98 = 5,88 \text{ м}$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти

$$\tau = \frac{T_{uш}}{T_{uш} + T_{с.ю.} + T_m}$$

$$T_{uш} = 5,6 \text{ соат}, T_{с.ю.} = 0,980 \text{ соат}, T_m = 0,42 \text{ соат}$$

$$\tau = \frac{5,6}{5,6 + 0,98 + 0,42} = 0,8$$

Агрегатни иш унумини аниқлаш

$$W_{см} = W_{с} \cdot T_{см}$$

$W_{с}$ - агрегатни соатли иш унуми, га/соат

$T_{см}$ -смена вақти, соат

$$W_{с} = 0,1 \cdot B_{uш} \cdot V_{uш} \cdot \tau, \text{ га/соат}$$

$B_{uш}$ – агрегатни ишчи қамров кенглиги, м

$V_{uш}$ – агрегатни ишчи тезлиги, км/соат

τ - смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти,

$$W_{с} = 0,1 \cdot 5,88 \cdot 6,27 \cdot 0,8 = 2,95 \text{ га/соат}$$

$$W_{см} = 7 \cdot 2,95 = 20,65 \text{ га}$$

Иш бирлигига сарфланаётган ёнилғи миқдори.

$$Q = \frac{G_{иш} \cdot T_{иш} + G_{с.ю.} \cdot T_{с.ю.} + G_m \cdot T_m}{W_{см}}, \text{ кг / га}$$

$$G_{иш} = 12,9 \text{ кг/сoат}, G_{с.ю.} = 3,22 \text{ кг/сoат}, G_m = 3,0 \text{ кг/сoат}$$

$$Q = \frac{12,9 \cdot 5,6 + 3,22 \cdot 0,9824 + 3 \cdot 0,42}{20,65} = 3,71 \text{ кг / сoат}$$

Мавсум давомида бажарган ишга сарфланган ёнилғи миқдорини аниқлаш.

$$Q_{мав} = Q \cdot W_{агр}, \text{ кг}$$

$$W_{агр} - \text{машинани йиллик юкланиши, га} \quad W_{агр} = 350 \text{ га}$$

$$Q_{мав} = 3,71 \cdot 350 = 1298,5 \text{ га}$$

ГХ-4 пушта олғич ёрдамида пушта олиш жараёни.

Пушта олиш жараёни учун машина трактор агрегати таркиби.

Пушта олиш жараёни учун машина трактор агрегати таркиби жараён учун белгиланган агротехник талабга қараб уни тезлиги белгиланади. Агрегатни ишчи тезлиги ушбу жараён учун 6-8 км/сoатдан ортмаслиги талаб этилади.

$$\text{Агрегатни ишчи тезлиги - } V_{иш} = 7,3 \text{ км/сoат}$$

$$\text{Агрегатни қамров кенглиги - } B_k = 3,6 \text{ м}$$

МТА таркиби- ТТЗ-80.11+ГХ-4

Агрегатни ишчи қамров кенглиги.

$$B_{иш} = B_k \cdot \beta, \text{ м}$$

β - пушта олиш жараёнида қамров кенглигидан фойдаланиш коэффициенти. $\beta = 1,0$

$$B_{иш} = 3,6 \cdot 1,0 = 3,6$$

Смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти

$$\tau = \frac{T_{иш}}{T_{иш} + T_{с.ю.} + T_m}$$

$$T_{иш} = 6,29 \text{ сoат}, T_{с.ю.} = 0,29 \text{ сoат}, T_m = 0,42 \text{ сoат}$$

$$\tau = \frac{6,29}{6,29 + 0,29 + 0,42} = 0,9$$

Агрегатни иш унумини аниқлаш.

$$W_{см} = W_c \cdot T_{см}, \text{га}$$

$$W_c = 0,1 \cdot B_{иш} \cdot V_{иш} \cdot \tau, \text{га/соат}$$

$$W_c = 0,1 \cdot 3,6 \cdot 7,3 \cdot 0,9 = 2,36 \text{га/соат}$$

$$W_{см} = 2,36 \cdot 7 = 16,52 \text{га}$$

Иш бирилигига сарфланаётган ёнилғи миқдори.

$$Q = \frac{G_{иш} \cdot T_{иш} + G_{с.ю.} \cdot T_{с.ю.} + G_m \cdot T_m}{W_{см}}, \text{кг/га}$$

$$G_{иш} = 14,4 \text{кг/соат}, G_{с.ю.} = 3,6 \text{кг/соат}, G_m = 1,5 \text{кг/соат}.$$

$$Q = \frac{14,4 \cdot 6,29 + 3,6 \cdot 0,29 + 1,5 \cdot 0,42}{16,52} = 5,58 \text{кг/соат}$$

Мавсум давомида агрегат бажарган ишига сарфланган ёнилғи миқдори:

$$Q_{мав} = Q \cdot W_{агр}, \text{кг}$$

$$W_{агр} - \text{агрегатни мавсумий юкланиши, га } W_{агр} = 180 \text{ га}$$

